

Рахимжонов Шерзоджон Олимжон ўғли: *“Тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш салоҳиятини ошириш масалалари”*.
(5A230603 – Инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича).

Илмий раҳбар: и.ф.н. Маматов Б.

Тадқиқот мақсади: Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш салоҳиятини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш бўйича назарий қарашлар ва уларнинг талқинини очиқ бериш;

- тижорат банкларининг инвестицион кредитлашдаги ресурсларни шакллантириш усуллари ва хусусиятларини ёритиш;

- хорижий тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш соҳасидаги тажрибаларини ўрганиш;

- тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш амалиётини таҳлил қилиш ва унга оид тенденцияларни аниқлаш;

- тижорат банклари инвестицион кредитларининг таркиби ва динамикасини тадқиқ этиш;

- тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш амалиётига хос бўлган тенденцияларни аниқлаш;

- тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш жараёнидаги ўзига хос муаммоларни аниқлаш;

- тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш салоҳиятини мустақамлашга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.